



POSTDA



Ўзбекистон Республикаси
IIV nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqqan boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • 2010-yil 20-noyabr, shanba • №47(3888)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маддади кўчайтириш мақсадида:

1. 2010 йилнинг 1 декабрдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2010 йилнинг 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 49 735 сўм;
ёшга доир пенсиялар – ойига 97 285 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 49 735 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 97 285 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 59 690 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўйиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2010 йилнинг 1 декабрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2010 йилнинг 1 декабрдан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,1 баравар оширилиши уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўн кун муддатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқ-

ласин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилиши таъминласин.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидидаги корхона ва ташкилотлар 2010 йилнинг 1 декабрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ўсишга иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сонли Фармони (8-банди истисно қилинган ҳолда) 2010 йилнинг 1 декабрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 15 ноябр

Биз учун, юртимиз учун тинчлик ва осойишталик ҳамма нарсадан қадрлидир.

Ислоҳ КАРИМОВ.

МАҚСАДИМИЗ – ЭЛУ ЮРТ ТИНЧЛИГИ

Мамлакатимиз дунёнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланган давлатлари қаторидан ўрин олиши учун кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиздаги тинч ва ошад ҳаёт бу сайё-ҳаракатларга янада куч, гайрат бахш этаяпти. Республикаимизда тинчлик, осойишталикни таъминлаш, барқарорликни мустаҳкамлашдек шарафли вазифани бажаришга ички ишлар идоралари ходимлари катта масъулият билан ёндашишяпти. Буни Наманган вилояти ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоят ИИБ бошлиги вазифасини бажарувчи, подполковник Баҳодир Қурбонов билан суҳбатимиз ана шу ҳусусда бўлди.



Суратда: Вилоят ИИБ ЭКБ катта эксперти,
лейтенант Музафар Дедабобоев иш устида.

– Баҳодир Низомилович, ички ишлар идораларидаги хизматни ҳам машаққатли, ҳам шарафли дейишга оdatлалиб қолганмиз. Лекин унинг ортда яна масъулият деган улкан юк ҳам бор. Шундай эмасми?

– Тўғри айтасиз, масъулиятнинг юки анча оғир. Аммо масъулият бўлмас экан бурч, вазифа, шараф, натижа каби тушунчалар қуруқ сўз бўлиб қолади. Инсон бирор ишга киришар экан, аввало, унинг пировард натижасини кўз олдига келтириб, фақат ўзи эмас, бошқалар учун ҳам зарурлиги, жамиятга манфаат келтиришини ҳис эта билиши керак. Шу маънода тинчлик ва осойишталик нақадар тогли эканини ҳис этмаган ходимдан бурч ва масъулиятни талаб қилиш бефойда. У шунчаки хизмат кийимини кўз-кўз қилиб, ўз манфаатини кўзлаб, кўн ўтишини санаб юрверади. Сафимизда бурчини чуқур англаб, ҳар бир топшириққа жон дили билан киришадиган осойишталик посбонлари кўпчилигини ташкил этаётгани учун ҳам юртимиз тинч, осмонимиз мусафодир.

Шу боис ҳам йилнинг ўн ойи давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жиноятларнинг бир қатор турларини камайишига эришдик, содир этилганларнинг очилиш даражаси яхшиланди. Энг муҳими, муқаддам судланган шахслар томонидан қайта жиноятга қўл уриш ҳолатлари, вояга етмаганлар жиноят содир этиш ҳолатлари камайганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

(Давоми 4-бетда).

«ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА



Маълумки, шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ, 15 ноябрдан бундан республикамизда «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» қизғин давом этаяпти. Шу муносабат билан жойларда соҳа ходимлари томонидан кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Бундан ташқари, корхона, ташкилот, муассасалар, ўқув юртлари ва маҳалаларда ёнгин хавфсизлиги бўйича амалий машғулотлар ўтказилиб, ёнгин учирини воситаларни намойиш қилинаёпти. Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ ЭХБ 3-ХЕҲО 5-ХЕҲК жамоаси ҳам ойлик юзасидан ишлаб чиқилган режа асосида тадбирларда иштирок этиб, зиммаларидаги вазифаларни кўнгилдагидек удалашяпти.

Суратда: 5-ХЕҲК бошлиғи, майор В. Сайфуллин (чагда) бўлима командири, катта сержант А. Абдуразақов ва ёнгин ўчириш экипажи билан навбатдаги хизмат олди йўриқномасини ўтказмоқда.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.



Бош муҳаррир минбари

МУСТАҚИЛЛИК – ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб, Ватанимизда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият ҳисобланиб, фуқароларимизнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг қадр-қимматини оширишга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Бир сўз билан айтганда, амалга оширилган барча ислоҳот ва ўзгаришларнинг бош мақсади сифатида инсон манфаатларининг устуворлигини таъминлаш ғояси ётади.

Ўтган йиллар мобайнида барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилдики, бунинг самараси ўлароқ, бугунги кунда инсон омили энг олий даражага кўтарилди. Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами ҳам «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу ғоя остида ўтказилиши, бу борадаги маънавий-маърифий тадбирларнинг амалга оширилаётгани фикримизнинг исботидир. Ортада қолган даврга назар ташлаб, биз ким эдигу ким бўлдик, деган саволга жавоб топиш вақти етди.

Муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаларида батафсил ёритиб берилган асосий олти та йўна-

лишлардан бири – суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга бағишланганлиги ҳам бежиз эмас.

«Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан айратдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда», – деди давлатимиз раҳбари ўз маърузасида.

Аввало, суд ҳокимиятини

Қаерда қонун ҳукмрон бўлса, шу ерда эркинлик бўлади.
Амир ТЕМУР.



босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаб, уни қатағон қуроли ёки жазолаш идораси эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқи ҳамда эркинликларни ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

«Судлар тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, судьялик лавозимига номзодларни тақдим этиш, судьяларнинг ваколатини тўхта-тиш ва муддатидан олдин тугатиш, уларга нисбатан интизомий иш юритиш қўзғатиш вазифалари Адлия вазирлиги ваколатидан чиқарилди. Ушбу вазирлик ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш департаменти ташкил этилди. Бундан ташқари, судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, хусусан, суд тизими учун кадрлар масаласи билан шуғулланиш вазифаси махсус орган – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юклатилди. Умумий юрисдикция судлари итисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда судлар ишини тубдан ўзгари-тиб юборди. Энг муҳими, фуқа-

роларнинг суд орқали ҳимояла-ниш кафолатлари кучайтирилди. Кассация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилиши натижасида фуқароларимиз қонуний кучга кирган биринчи инстанция суд қароридан норози бўлган тақдирда, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини кассация инстанциясида, ўз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлишди.

Ҳамкасбаримизга маълумки, 2000 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида харидор ёки буюртмачиларни алдаш (187-модда) жиноят тури мавжуд бўлиб, бу жиноятни содир этган шахс жиноятнинг илк бор, тақроран ёки кўп миқдорда содир этилганига қараб, жаримадан тортиб уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилишга бўлган жазога тортиларди. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгариш ва қўшимчалар кири-

тиш тўғрисида»ги Қонунга кўра, харидор ва буюртмачиларни алдаш жиноят турларидан чиқарилди. Кейинчалик, 2001 йил 29 августдаги «Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунга мувофиқ Жиноят кодексининг 65 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Шу жумладан, бир қатор жиноятларнинг таснифи ўзгаририлиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўтказилди. Айрим жазо турлари эса жиний жазо тизимидан чиқарилиб, нисбатан енгилроғи билан алмаштирилди. Бу ҳаётда хато қилиб, қонунни бузиб қўйган шахсни албатта жазолаш эмас, балки энг аввало тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатувчи инсонпарварлик намунаси сифатида намоён бўлди. Натижада қўлаб фуқаролар «судланган» деган тағмадан халос бўлишди. Бу тағма эса нафақат инсоннинг ўзига, балки унинг фарзандларига ҳам келажақда жамиятда ўз ўрнини топиб кетишига (ўқишга ёки ишга киришига) маълум даражада тўсқинлик қилар эди.

(Давоми 3-бетда).

Парламент ҳаёти



МУҲИМ ДАСТУР ИЖРОСИ

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир шароитда 2009-2010 йилларда дунёнинг ақсар мамлакатларида ялпи ички маҳсулот камайиб, иш ўринлари қисқарди. Бизнинг мамлакатимизда эса иқтисодий юқори суръатларда ўсишда давом этди. Бунга бозор иқтисодига ўтишнинг ўзини хос «Ўзбек модели»ни танлаганимиз тўғрисида эришдик. Айниқса, янги иш ўринларини яратиб, аҳоли бандлигини таъминлаш давлатимизнинг диққат марказида бўлди. Жумладан, бу борада 2010 йилга мўлжалланган махсус дастур қабул қилинди.

Юртбошимиз Ўзбекистон шароитида инқирозни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ҳақида тўхталар эканлар: «2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш – устувор вазифа бўлиб қолади», деган эдилар. Юқоридаги дастурни тузишда ушбу кўрсатмаларга қатъий амал қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 18 ноябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида ана шу дастурнинг 9 ой ичидagi ижроси ҳамда «2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» тўғрисида республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги А. Хаитов маъруза қилди. Қўйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари З. Ботирова эса кўн тартибдаги масала юзасидан қўшимча маъруза қилди. Ҳар иккала маърузачи ҳам жорий йилга мўлжалланган режа ортиги билан бажарилаётганини таъкидлаган ҳолда, бу борада оқсатган туманларнинг ҳам кўрсатиб ўтдилар. Йўл қўйилаётган камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари атраф-лича таҳлил қилинди.

Маърузалардан шу нарса маълум бўлдики, келгуси йил режасида 956,2 миңга янги иш ўрни яратиб белгиланган. Унинг яримдан кўпи кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келади. Депутатлар режа юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди, режани такомиллаштириш юзасидан таклиф-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, муҳокама асосида «Касаначилик фаолияти тўғрисида», «Ижтимоий шеркчилик тўғрисида» қонунлар қабул қилиш зарурлиги ҳусусида фикрлар билдирилди. Сўзга чиққанлар республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилиб, парламент тарихида иккинчи бор қабул қилинаётган ушбу ҳужжат бениҳоят катта ижтимоий, иқтисодий аҳамиятга моликлигини таъкидлашди. Дастур муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар инобатга олинди, парламентнинг Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланди.

Шундан сўн депутатлар иқтисодий, ижтимоий соҳаларга, суд-ҳуқуқ тизимига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига оид бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Бобомурод ТОШЕВ.

МИННАТДОРЛИК

ЖОНКУЯР ХОДИМЛАРГА ТАШАККУР!

Ахборот асрида ишяапмиз. Ҳозир кўпчилик хотида эгалари автомашина, компьютер, уяли телефонларга эга. Менга ҳам яқинларим туғилган кунимга «Нокия-6233» русумли уяли телефон совға қилишган эди. Аммо эҳтиётсизлигим тўғрисида бир тўйда уни ўйирлатиб қўйдим. Топганларга мукофот ваъда қилсам ҳам дарағи чиқмади. Шундан сўн Тўртқўл тумани ИИБга мурожаат қилдим. Ички ишлар ходимларининг ҳушмуомалалиги, ҳар бир фуқаронини очик ҳеҳра ва жонкуярлик билан кутиб олишини кўриб, жуда мамнун бўлдим.

Ўз касбига меҳр қўйган бундай осойишталик посбонларига сизхат-саломатлик тилайман!

Элёр МАТЕКУЛОВ,
Тошкент Тиббиёт академиясининг
Нукус бўлими таълими.

Халқаро алоқалар

МУҲИМ ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Юй Хунцзюнь бошчилигидаги делегация ташриф буюрди.

Мартабали меҳмонларни республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баходир Матлюбов қабул қилди ва суҳбатлашди.

Вазир меҳмонларни ташриф билан самимий қутлар экан, эътиборни Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги аزالлий ҳамкорлик ришталарига қаратди.

Ҳасидаги муштараклик ва биргаликдаги ҳаракатларни алоҳида таъкидлаб, кенг қамровли бундай ўзаро ақинликлар ҳуқуқ-тартибот борасида ишларни янада муштаҳамлашда муҳим ўрин тутганини эътироф этди.

Шу билан бирга, тури ноқоладан ўрнатилган ҳамкорлик ижобий самара беришини айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБга Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Котибати ички назорат бюроси аудиторлар гуруҳининг вакили Ричард Реес Жонс ташриф буюрди.

Мухомин ИИБ Инсон ҳуқуқлари ниҳоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Илҳом Турғунов қабул қилди.

Учрашувда шунингдек, ИИБ Академияси, ЖК ва ТҚББ, ТИБ масъул ходимлари иштирок этди.

Р. Жонс ташриф мақсади ҳақида тўхталаркан, республика ИИБ билан ўзаро ҳамкорлик ривожланишига, амалга татиқ этилаётган бир нечта лойиҳалар алоқаларни юқори даражага олиб чиқаётганини таъкидлади.

Учрашувда муҳим аҳамиятга молик ҳужжат ҳам имзоланди: томонлар дунёда тинчликни барқарорлаштириш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш йўлида яна бир дадил қадам ташланганлигини таъкидлашди.

Ўз навбатида жаноб Юй Хунцзюнь самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, мазкур учрашув ўзаро алоқаларнинг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этишини, икки томонлама ҳамкорлик истиқболли бўлишига ишонч билдирди.

Учрашувда муҳим аҳамиятга молик ҳужжат ҳам имзоланди: томонлар дунёда тинчликни барқарорлаштириш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш йўлида яна бир дадил қадам ташланганлигини таъкидлашди.

Учрашувда муҳим аҳамиятга молик ҳужжат ҳам имзоланди: томонлар дунёда тинчликни барқарорлаштириш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш йўлида яна бир дадил қадам ташланганлигини таъкидлашди.

Учрашувда муҳим аҳамиятга молик ҳужжат ҳам имзоланди: томонлар дунёда тинчликни барқарорлаштириш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш йўлида яна бир дадил қадам ташланганлигини таъкидлашди.

Учрашувда муҳим аҳамиятга молик ҳужжат ҳам имзоланди: томонлар дунёда тинчликни барқарорлаштириш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш йўлида яна бир дадил қадам ташланганлигини таъкидлашди.

ТАЙИНЛАНДИЛАР

Наманган вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – тергов бошқармаси бошлиғи, подполковник Хусан Ғрманович ХОШИМОВ.



Хусан Ғрманович Хошимов 1960 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент давлат университети тямоллаган.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати бошлиғи, майор Даврон Абдувалиевич МУСТАКИМОВ.



Даврон Абдувалиевич Мустақимов 1976 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Молия институтини ва ИИБ Академиясини тямоллаган.

Хабар

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Республика Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида навбатдаги маърифат дарси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Мирзаев кириш сўзи билан очди.

Президентимиз Қарорига қўра, «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу гояни ўзида муҳасам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот

суръатлари 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил этгани, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,5 фоизга етиши кутилаётгани, келгуси 2011 йилда эса 8,3 фоиз даражасида бўлиши белгилаб берилганлиги кўпгина халқаро тузилмалар, эксперт ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотаётгани барчамизни қувонтириши табиий, – деди нотик.

Президентимиз ўз маърузасида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида олпита йўналишни белгилаб бериб, давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламент фаолиятини янада ривожлантириш ва муштаҳамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди.



Ишларини амалга ошириш белгилаб қўйилганлиги. Шу боис «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» мавзусида маъруза қилиш учун Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Саидхор Фўломовни тақлиф этганимиз, – деди полковник А. Мирзаев.

Коллаверса, мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларининг, айниқса, амалга оширилаётган инқирозга қарши чоралар самарадорлигининг, босқичма-босқич ислохотлар ва оқилона фискал сиёсатга асосланган ривожланишнинг «ўзбек модели» нақадар ҳаётийлигини жорий йилда пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё тараққиёт банки ҳамда ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисининг барча иштирокчилари томонидан юксак баҳоланганлиги.

Айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар олдидagi мавқеи ҳам тобора юксалиб бормоқда. 2009 йил июнь ойида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги ўнинчи мажлисида Ўзбекистон раислик қилгани

дан хизмат интизоми ва қонунчиликка риоя этилишини атрофлича таҳлил қилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан назоратни янада қучайтириш, шунингдек, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасида раҳбарлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди. Келгусида қонунчилик ва хизмат интизоми бузган ходимнинг нафақат ўзига, балки бевосита раҳбарига нисбатан ҳам интизомий чора қўрилишини таъкидлаб ўтди.

Кўнрақ ШОКИРОВ, капитан. Суратларда: Маърифат дарси пайти. Шавкат ҚАҲҚОРОВ олган суратлар.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари, Мехнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта махсус, Халқ таъ-

Амалий семинар



Маълумки, 2010 йил 29 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилди. «Интерпол» миллий маркази бюроси мажлислар залида ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси томонидан ушбу қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари, Мехнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта махсус, Халқ таъ-

ёрдан кўрсатиш марказлари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирни республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник С. Нурматов кириш сўзи билан очиб, қонуннинг моҳияти ва амалий семинар ўтказишдан кўзланган мақсад ҳақида тўхталиб ўтди.

Республика ИИБ ҲОББ бошлиғи ўринбосари, подполковник И. Жаҳонгиров «Воёга етмаганлар ўртасида қаровисизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар идораларининг вазифалари» мавзусида маъруза қилди.

И. Исмоилов ўз маърузасида ни шарҳлаб берди. Шунингдек, қонун ижросини таъминловчи субъектлар ва уларнинг вазифаларини кўрсатиб ўтди.

«Воёга етмаганлар ўртасида қаровисизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар идораларининг вазифалари» мавзусида маъруза қилди. ИИБ Академияси кафедра бошлиғи, профессор, полковник И. Исмоилов ўз маърузасида

лими вазирликлари, «Маҳалла» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, ИИБ Академияси ва бошқа мутасадди идоралар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, Транспорт ҳамда вилоятлар ИИБ ҲОББ ВЕО-ҲОББ вакиллари, воёга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий

ни шарҳлаб берди. Шунингдек, қонун ижросини таъминловчи субъектлар ва уларнинг вазифаларини кўрсатиб ўтди.

«Воёга етмаганлар ўртасида қаровисизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар идораларининг вазифалари» мавзусида маъруза қилди. ИИБ Академияси кафедра бошлиғи, профессор, полковник И. Исмоилов ўз маърузасида

Кун тартибидан ўрин олган бошқа маърузалар ҳам воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга бағишланди.

Маърузалар юзасидан мунозаралар, савол-жавоблар бўлди.

Шунингдек, тадбир давомида ИИБ Академияси жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишда долзарб масалалар лойиҳаси раҳбари ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент, подполковник Н. Исмоиловнинг «Воёга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг яқка тартибдаги профилактикаси» мавзусидаги ўқув-амалий қўланмасининг тақдироти бўлиб ўтди.

Ўз муҳбиримиз. Суратларда: амалий семинардан лавҳалар. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

АСОСИЙ ВАЗИФА – АДОЛАТЛИ ИШ ЮРИТИШ

Вилоят ИИБда тергов бошқармаси ва унинг қўйи тизимларида дастлабки тергов жараёнида юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш, тергов сифати, далиллар мақбуллиги алоҳида эътибор қаратиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, ҳимоя ҳуқуқи бузилишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш ва бартараф этишда терговчи, суриштирувчилар масъулиятини янада оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Вилоят суди раиси ўринбосари Б. Қурбонов, вилоят прокуратураси катта прокурори, адлия маслаҳатчиси Қ. Аҳмедовларнинг дастлабки тергов ва судларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, тергов идоралари томонидан тақдим этилган жиноят ишларини судларда қўришда ўраётган баъзи муаммолар хусусидаги маърузалари эшитилди.

Кун тартибидagi масала юзасидан маъруза қилган вилоят ИИБ тергов бошқармаси бошлиғи, подполковник Ф. Холлов терговчилар эришаётган натижалар билан бир қаторда айрим процессуал хато ва камчиликлар ҳам кўзатилаётганлигини, шунингдек, дастлабки тергов жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда юзага келаётган айрим муаммолар хусусида тўхталиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ички ишлар идоралари тергов соҳасидаги ёш ходимларнинг касбий маҳоратини, иш тажрибасини ошириш ва бу борда мураббийларнинг ролини қучайтириш билан айтганда, қўлпаб фуқароларнинг айби кечирилмоқда. Бу – уларнинг жамият учун фойдали ишлар билан шуғулланиб, давлатимиз иқтисодийтини оқсальтириш ишига ҳисса қўшишига имкон яратмоқда.

Семинарда «Бахс-Навоий» адвокатлик ҳайъати бошқарувчиси ўринбосари И. Мирзаев, жиноят ишлари бўйича

Абдуқошим ЗИЁДИНОВ, лейтенант. Наовий вилояти.

Инсонпарварлик намунаси

Демократик, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Жазодан озод этилганлардан яна бири Андижон шаҳрида яшовчи, воёга етмаган Шаҳбоз Содиковдир. У ҳам пушаймонлигини ва бундан кейин фақат эзгу ишлар сари интилишини таъкидлади.

ИМКОНИЯТ ҲАР ГАЛ БЕРИЛАВЕРМАЙДИ

Бағрикенглик ва инсонпарварлик намунаси бўлган ушбу қарорга мувофиқ қўлпаб юрдошимиз жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинапти, жиноят иши юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари тўхтатилмапти. Бир сўз билан айтганда, қўлпаб фуқароларнинг айби кечирилмоқда. Бу – уларнинг жамият учун фойдали ишлар билан шуғулланиб, давлатимиз иқтисодийтини оқсальтириш ишига ҳисса қўшишига имкон яратмоқда.

Хозирда барча шаҳар-туман маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, посбонлар, оқсоқоллар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келаётган фуқароларнинг оилаларида бўлишиб, уларни ишга жойлаштириш масалаларини ҳал этишмоқда. Шу мақсадда улар худуд профилактика инспектори ва бошқа тегшли идоралар вакиллари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

«Урилиқ жиноятини содир этганингим учун жазога тортилганим, – дейди у – Қилган ишимдан пушаймонман, ҳаётида ўз ўрнини топишга имконият бе-

рилан экан, бунга муносиб иш қўришга ҳаракат қиламан. Жазодан озод этилганлардан яна бири Андижон шаҳрида яшовчи, воёга етмаган Шаҳбоз Содиковдир. У ҳам пушаймонлигини ва бундан кейин фақат эзгу ишлар сари интилишини таъкидлади.

Азизжон БУЗРУКОВ, Андижон вилояти.

САҲИФАДА = НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

МАҚСАДИМИЗ - ЭЛУ ЮРТ ТИНЧЛИГИ



Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бунда биринчи галда профилактика хизмати ходимларнинг хиссаси катта бўлапти. Шунингдек, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қотиллик жиноятлари 23 фоиз, транспорт воситаларини қўлиб кочиш 22 фоиз, одам савдоси 50 фоиз кам қайд этилишига эришдик. Рақамлари яна келтириб ўтиш мумкин. Бу ютукларнинг барчасига машаққатли хизмат ва улкан масъулият тўғрисида эришилди.

Изланиш, янгиллик интилиш, ташаббус тараққиёт асоси, ютуқлар омили ҳисобланади. Сиз ҳам шундай фикрдаммисиз?

Замон шиддат билан олға интиляпти. Бугун ҳаммани хайратга солган ўзгариш ўрнини эртага бошқаси эгалламоқда. Бу тинмай изланиш, ўрганиш, янгилликларни таъбиқ этишнинг натижаси, албатта. Халқимизда замон сенга бок-маса сен замона бок, деган нақл бежиз айтилмаган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ривожланиш йўлида давр билан бирга қадим ташламасак қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Сафимизда янгиллик интилувчан, ташаббускор ходимлар ва мутахассислар кўп. Биз уларнинг эгулиги йўлидаги сайёҳ-харакатларини қўллаб-қувватлаб, имконият топишига қўмақлашиб туришимиз керак.

Вилоят ИИБ ЕХБ мутахассислари янги автоцистерна крантиш тақлифи билан чиқди. Асосан галла майдонлари, ўрмон ва кенгликларда содир бўлган ёнғинни бартараф этиши билан аҳамиятли бўлган замонавий автоцистерна учун керакли асбоб-ускуналар, автомобиль топишга ёрдам бериш. Унинг афзаллиги шундаки, ёнғин содир бўлган кенг майдоннинг сув томонидан туриб 12 метрга чам сурурдики. Қурилма хар томонлама қулай ва муаммаллиги эъти-

роф этилди. Синодан муваффақиятли ўтди. Эксперт-криминалистика бўлимини янги бинага кўчирдик. Хар бир мутахассиснинг беамалол ишлаши учун шарт-шароит яратиб берилди, зарур анжомлар билан таъминланди. Энди улар кундалик вазифани бажариш билан чекланмай, экспертиза ишларидаги илмий жиҳатдан янги усуллари билан қўллаб қўришаётипти. Бошқарма ППХ ва ЖТСБ патрўл-пост хизмати батальонидан отлик гуруҳи ташкил этилганидан хабарингиз бўлса керак. Отликлар айнама Наманган шаҳрида туғи пайларда жамоат тартибини сақлаш учун белгиланган худудларни айлана-бўйича ва пийда патрулларга қўмақлади. Ававалига бу янгилликдан айримлар аҳабланмишган экан, аммо бу янгилликнинг натижаси аввал бошдан қўнғилдагидек бўлгани кўпчилиги қувонтирди. Хозирги кунда ҳам отликлар фаол хизмат қилишяпти.

Бошқа хизматларда жорий этилаётган янгилликлар бўйича ҳам мисоллар келтириш мумкин. Бунинг замирида албатта, вазифага бўлган масъулият қўйи даражада эканлигини сезиш юмрин эмас. Маълумки, профилактика хизматига эътибор кўчатиляпти. Бу борада мутахас Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида

бошланган ислохотлар талаблари мувофиқ, республика Ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Б. Матлобов томонидан бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Ана шулардан келиб чиқиб вилотдаги барча милиция таянч пунктлари таъмирланиб, мебеллар, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Зеро, профилактика инспектори маҳалладаги ишончли вакилимиз экан, унинг хизмат хонаси хашамдор бўлмаса-да, шинам, саранжам-сариса, кирган кишининг дили ёришадиган бўлиши лозим. Айни кунларда ана бир қатор хизматлар жойлашган бина ва хона-

дадор бўлишимиз шарт, деб ҳисоблайман. Шу жиҳатдан олганда мураббийлик ва устоз-шогирд аъёнларини давом эттираётганимиз яхши самара бермоқда.

Ибрат бўлаётган, намунали хизмат қилаётган ходимни рағбатлантириб туриш мақсадга мувофиқдир. Биз бундай ходимнинг ота-онасини қақариб, шахсий таркиб ўртасида қўбил фарзанд ўстиришга унинг миннатдорлик билдириб, бошқарма раҳбарияти номидан ташаккурнома бераётишимиз лозим. Шундай қилинса ота-она ўғли ёки қизидан фахрланади, уларга раҳмат олиб келгани учун кўпчилик олдиди, маҳалласида гуруҳликлари юради. Ходимнинг ўзи эса бундай эътибордан руҳланиб, янада гайрат ва шижоат билан билан хизмат қилади.

Интизомга риоя қилмаган, қондабузарларни жамоада муҳокама қилиш пайтида ҳам ота-онасини қақариб. Кўпчилик олдиди, ота-онаси иштирокида изза бўлган ходим яна интизомсизлик қилишга ботинмайди, хизматга масъулият билан ёндашишга мажбур бўлади.

Кадрларни билими, тажрибаси ва иқтидорига қараб баҳолаш яхши натижа беради. Гоҳида бир хизматда ўртамийна ишлаб юрган ходим бошқасига ўтказилса лавқати аққол кўзга ташланмиши мумкин. Шу боис уни ўрганиш, қайси соҳага кўпроқ қизиқшини аниқлаш лозим. Биз туман, шаҳар ИИБ раҳбарларидан ана шундай талаб қилаётишимиз.

Баркамол авлод йилида ички ишлар идоралари ходимлари олдига ҳам қатъи вақт вазифалар қўйилди. Бу борада амалга оширилётган ишлар ҳақида ҳам тўхталишимиз.

Еш авлод бизнинг давомчиларимиз экан, хар жиҳатдан баркамол бўлиб воғта етиши керак. Биринчи галда, фарзандларимиз ҳуқуқий жиҳатдан саводхон бўлишлари, амалдаги қонун-қоидаларни тушуниб етишлари ва уларга риоя этишлари зарур. Вилотнинг туман ва шаҳарларидаги мактаб, коллеж, лицей ҳамда олий ўқув юртиларида ички ишлар идоралари ходимлари ва ҳуқуқшунос мутахассислар ишти-

роқда ўтказилаётган учрашу, суҳбатларнинг мақсади ана шунга қаратилляпти. Тадбирлар бола-ларнинг эсида қоладиган ва қиз-қарли ўтишига эътибор бераёти-миз. Масалан, Ёнғин хавфсизлиги бошқармасида республика Ёзувчилар уюшмасининг Наманган вилоти бўлими ҳамда халқ таълими бошқармаси билан ҳам-корликда «Ёнғин хавфсизлиги ёш ижодкорлар талқинида» ва «Ёнғин хавфсизлиги болалар тасавурида» мавзуларида танловлар ташкил этиляпти. Бунда болалар ўзларининг шеър, ҳикоя, мақола ва расмларида гуғрут, олов билан ўйнашнинг аянчли оқибатларини тасвирлаб берадилар. Уларнинг ижодий ишлари барча мактабларга тарқатилляпти. Бундай тадбирлар самарасини болалар ишти-роқдаги ёнғинлар ўтган йилдаги маҳаллада қандайдиган ҳам кўриш мумкин.

Йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини ўргатишда ҳам ана шундай амалий машғулотлардан фойдаланилмоқда. Мажбур автошарҳаларда мактаб ўқувчиларига навбат билан йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари сабоқ беришяпти.

Жойлардаги спорт иншоотлари, майдонлар ўғил-қизларимиз ихтиёрида. Профилактика инспекторлари ўзлари хизмат қилаётган худуддаги хар бир ўсмирни спорт турларида жалб этишяпти. Фарзандларимиз жисмон бардам, руҳан тетик ва аклан соғлом бўлишлари учун амалга оширилётган ишларнинг келгусида ҳам давом этири-миз, албатта.

Суҳбатимизнинг асоси бурч ва масъулиятга қаратилди. Хар иккови ишга қўл урмасини удралаб, яхши натижага еришиши шубҳасиз. Ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ходимлар учун бу хизматлар жуда зарур. Ходим ўз бурчини дилдан ҳис этиб, вазифасига масъулият билан ёндашишига муносиб ютуқларни қўлга киритаверади.

Мазмуни суҳбатимиз учун раҳмат!

Суҳбатдош Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Юртбошимизнинг Фармонида бинао профилактика инспектори, капитан Холмамет Раҳмонов «Содик хизматлари учун» медали билан мукофотланганини эштиб жуда қувондик. Ходимлар сидқидилдан хизмат қилган киши муносиб хурмат-эътиборга сазовор бўлишини амалда кўриб, Холмамет акага ҳавас қилишди.

СИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ, УСТОЗ!

Ха, Холмамет ака Раҳмоновдан хар қанча ўрнат олса арзийди. Турақўрган туманидаги Шаҳанд қишлоғида туғилиб ўсган бу инсон болалигини осойишталик посбони бўлиши орзу қилди. У ўсиб, улғайиб воғта етган, ички ишлар идорасига хизматга кирди. Уш кезлари ўзи яшайдиган қишлоқ тез-тез ҳуқуқбузарликлар содир бўлиб турадиган оғир худудга айлиб қолганди. Туман ИИБ раҳбарияти қатъи ишонч билдириб, Холмамет Раҳмоновни Шаҳанд қишлоғидаги Олчин ва Дашт маҳаллаларига хизмат кўрсатувчи профилактика инспектори этиб тайинлади.

Х. Раҳмонов худудда жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш учун биринчи галда уларни келтириб қиқараётган омиллари излашга киришди. Гарчи бу икки маҳаллада яшовчиларнинг кўпчилигини таниса-да, оқсоқоллар билан бирма-бир хонадонларга кириб, уларнинг турмуш шароити, оилавий аҳоли билан танишиб чиқди. Келиб чиқётган низолларнинг биринчи сабаби - ичкиликбозликни қамайтиришга ҳаракат қилди. Хилват-да яшириниб ичкилик ичяётган-

ларга шафқат қилмади, танишибилиш, қариндош-уруғчиликка бормади. Жиноят қилишга мойил шахслар қаттиқ назоратга олинди.

Албатта, бу ишлардан норози бўлганлар, ҳатто туман ИИБ-га келиб шижоат қилганлар ҳам бўлди. Лекин шижоатбозларнинг арзлари тасдиқни топмаган, Холмамет аканинг обрўси ортиб,

ва тажрибасини аямайидиган бу фидойи инсон билан хар қанча фахрланасак арзийди, - дейди «Дашт» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зоҳида Турдиева. - Худуддаги фуқароларни яхши танийди, хонадонлардаги аҳоли, ҳатто боқилаётган молларига айтиб беради. Берилган юксак мукофотга жуда лойиқ одам.

Холмамет ака Раҳмоновни устоз сифатида ҳурмат қиламиз. Мен у кишидан кўп нарсани ўргандим. Бирор масала юзасидан фикрини сўрасам оғринмай маслаҳат беради, қўлидан келган ёрдамини аямайди. Ҳаммага бирдек муносабатда бўлиши кўп таъкид-лайди. Туман раҳбарияти капитан Холмамет ака Раҳмоновни шахсий таркибга намуна қилиб қўрсатади. Мен ўз касбини севадиган, эл-юрт иши учун фидойилик кўрсатиб хизмат қилаётган ходимга шогирд бўлганимдан фахрланаман.

Эркинжон ЭРГАШЕВ, Турақўрган тумани ИИБ ҲОБ бошлиғи, майор.

Юксак мукофат соҳиблари

фуқаролар ишончига қира бошлади. Хозирда маҳалладагилар билан суҳбатлашиб қолсангиз ундан хурсанд эканлигини айтишди.

Холмамет аканинг ўзи ҳам тинмади, бизни ҳам тинч қўймади, - деди «Олчин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алижон Вақосов. - Натижасидан ҳаммамиз хурсандимиз. Йил бошидан бери хар икки маҳаллада ҳам бирорта жиноят содир этилмади. Фуқароларимиз тинч, хотиржам яшашяпти. Бунда биринчи галда Холмамет аканинг хизмати катта.

Тинчлик, осойишталик учун бор куч-қуввати, билим

ҲУШЁР ҲАЙДОВЧИНИНГ ЙЎЛИ РАВОН

Республикамизни қўшни давлатлар билан боғлайдиган халқаро йўлларнинг бир қисми Наманган вилотида ўтгани йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари-дан доимо ҳушёр бўлишни талаб қилади.

Ходимларимиз кўпроқ йўлларда ҳаракатланаётган автотранспорт воситалари ва ҳайдовчиларнинг ҳолатига эътибор берадилар. - дейди вилот ИИБ ЕХБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, подполковник Т. Азимов. - Водий билан пойтахт ва бошқа вилотлар ўртасида қатнаётган автомобиллар узок йўл босиб, ҳайдовчилар толиқиб қолиши, носоз транспорт воситаси дован йўлида панд бериб, автоҳалокат содир этилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун мунтазам ва қўма ИПХ масканларида назорат давомида ҳайдовчиларга бироз дам олиш, кейин ана ҳаракатни давом эттиришни тайинлашимиз. Йирк паноларда ҳам шу ҳақда оғоҳлантирилган.

Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатидан содир бўладиган аянчли ҳолатлар барчани ташвишга солади. Қимдир ҳаётдан бевакт кўз юмса, бошқа биров бир умр ноғирон бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам вилотда профилактик ишларга катта эътибор бериляпти. Йилнинг ўтган даврида автотокорхона, турли ташкилотлар, маҳалла, мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртилари, мактабгача тарбия муассасаларида 3 минг мартадан кўпроқ суҳбатлар ўтказилди. Вилот телевидениеси, радиоси ва матбуот нашрларида мунтазам йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш босқисига кўрсатувчи, эшиттиришлар, мақолалар уюштирилляпти. Айниқса, ҳайдовчилар ўртасида ўтказилаётган суҳбатларда халқаро йўллар ва довонда юриш қоидаларини эслашиб туришга алоҳида эътибор беришмоқда.

Қурилаётган чора-тадбирларга қарамай, йилнинг ўтган даврида вилот худудидagi йўлларда 140 мингга яқин қоидабузарлик аниқланди. Булар асосан қўпол қонунбузарлик, транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш, белгиланган тезликни ошириш ҳолатларидир. Қондабузарликларнинг бир қисми ноқонуний йўловчи ташитётган ҳайдовчилар томонидан содир этилган. Шунинг учун руҳсати бўлмаган транспорт эгалари йўловчи ташит билан шуғулланишларининг олдини олиш мақсадида йўлларда мунтазам текширувлар ўтказилмоқда.

Ходимлар бошқа хизматлар вакиллари билан ҳамкорликда 600тага яқин жиноятни оқибатда иштирок этдилар. Йилнинг ўтган даврида 5074 грамм микдорда гиёвандлик моддалари аниқланди. Маса-

лан, «Ангор» мунтазам ИПХ масканида «Дамас» русумли автомашинада наманганлик Ф. Ю. гуғрут қутиси ва кийимлари орасида 3100 грамм марихуана олиб келаётгани фош бўлди. Республикамизга кириб келаётган ноқонуний товарлар йўлига мустаҳкам гов қўйилляпти. «Наманган» мунтазам ИПХ масканида андижонлик О. К. Бошқарувдаги «Нексия» русумли автомашина текширилганда хоржида ишлаб чиқарилган 5 миллион сўмлик кийим-кечақларни ҳеч қандай ҳужжатларсиз олий кетаётгани аниқланди.

Яна шу ИПХ масканида Андижон вилоти Жалолқудуқ туманида яшовчи М. Х. Бошқарувдаги «Нексия» русумли автомашина ИПХ катта инспектори, сержант Я. Ю. Чиев ва инспектор-кинолог, сержант Н. Мамажоннинг «Сара» лақабли хизмат ити ёрдамида текширилганда 16 калибрли ов қуроли ва 11 донга ўқ-дорилар топилди.

Болалар ва ўсмирлар орасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, қамайтириш мақсадида вилот Ички ишлар, Халқ таълими бошқармалари ва «Қамолот» ёшлар ихтимойи ҳаракати вилот бўлими, Қизил ярим ой, Автомобилоҳаваскорлар жамиятлари билан ҳамкорликда «Яшил чирок - 2010» мусобақаси ўтказилди. Ҳолбики еш назоратчилар гуруҳи республика қўриқ-танловидида қатнашиб, биринчи ўрнини эгаллаб қайтишди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари республика, вилот миқёсида ўтказилаётган «Велосипед», «Пийда», «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги», «Таътил», «Диққат, темир йўл кесими!» ва «Қораворди» каби тадбирларда фаол иштирок этишяпти.

Одилжон ЖАББОРОВ, майор.

уғрилиги 37 фоиз, гиёвандлик моддаларини сақлаш 27 фоизга кам қайд этилди.

Ходимлар бор маҳоратини ишга солишяётгани боис «иссик изида»

жои. Ходимлар жиноят содир этиб, терговдан қочиб юрган, бедарак йўқолганларни излаб топилда яхши натижаларни қўлга киритишяпти. Зарур холларда республикамизнинг бошқа вилотлари, қўшни давлатлар ички ишлар идоралари билан алоқа боғлаб, жиноятчиларни ҳамкорликда қўлга олишга эришилмоқда. Уз навбатда бошқа вилотда жиноят содир этиб, шахримизда яшириниб юрган шахслар аниқланиб, қўлга олинляпти ва тегишли жойларга жўнатиляпти.

Жиноятчи ҳеч қачон айбини тан олиб, бўйин эгиб келмайди. Уни топиш ва ушлаб, ички ишлар идорасига келтириш изкувардан маҳорат, бой тажриба талаб этади. Ана шундай ходимларнинг фидойилиги тўғрисида қиқировадигилар тезда топилишига эришилляпти. Бунда майор Ботиржон Насриддинов, катта лейтенант Ҳасанбой Умаровларнинг хиссаси катта бўлмоқда.

Шу ўринда бўлимнинг қидирув гуруҳи томонидан амалга оширилётган ишлари ҳам айтиб ўтиш

Фирибгарлик қилиб, фуқароларни чўв тушириб юрган наманганлик Ю. Рашид сирси ошқор бўлгач, яширинди. Пайт пойлаб, унинг уйига келганини эшитган изкуварлар тезда этиб боришди. Хонадонни текшириб чиқиб, Ю. Рашидни топа олимизди. Уй бекаси ва болаларнинг ҳолати унинг шу ерда эканлигини билдириб турарди. Атрофини яна бир бор кўздан кечирган майор Ботиржон Насриддинов фирибгар сандиқда бўлиши мумкин, деган ўйда унинг устига ўтириб олди ва хонадон соҳибасидан қаердалигини сўриштириш бошлади. Шу пайт сандиқ ичидан бўйиқ овоз эшитилиб қолди. Ходим ўриндан туриши билан сандиқ очилиб, ичидан иссиқдан

ФИДОЙИ ИЗКУВАРЛАР

бўғриқканча зўрга нафас олаётган Ю. Рашид чиқиб келди. ... Наманган шаҳар ИИБ ЖК ва УЖКБ ходимлари фаолиятдан яна қўлаб шундай мисолларни келтириш мумкин. Уларнинг сайёҳаракати билан содир этилган жиноятларнинг очилиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайишига эришилди. Шаҳримизда умумий жиноятлар сони ўтган йилдагидан 4 фоизга камайди. Жўладан, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар 48 фоиз, енгил тан жароҳати етказиш 32 фоиз, қасддан одам ўлдирш 30 фоиз, босқинчилик 25 фоиз, хонадон

очилаётган жиноятлар сони ортиб бораёпти. Яна бир томони, бошқа хизматлар билан ҳамкорликка катта эътибор берилаётгани, зарур холларда ходимлар бир-бирига қўмақлашяётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Айтайлик, бирор жойда жиноят содир этилди. Табиийки, текзор гуруҳи гумондорини аниқлашда профилактика инспекторининг ёрдамига таянади. Шундай пайтда биригилдаги сайёҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Шу ўринда бўлимнинг қидирув гуруҳи томонидан амалга оширилётган ишлари ҳам айтиб ўтиш

Улғубек КАРИМОВ, майор.

САҲИФА МАТЕРИАЛЛАРИНИ САДРИДДИН ШАМСИДДИНОВ ТАЙЙЕРЛАДИ.

СУРАТЛАР МУАЛЛИФИ БАҲОДИР АЗИБОВ.

Сиз билан фахрланамиз, устоз!

Юксак мукофат соҳиблари

Юксак мукофат со

Маърифат дарси

КОНСТИТУЦИЯ, МАЪНАВИЯТ ВА МАФЖУРА

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Хар қандай давлатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва тараққиёт пухта ишлаб чиқилган қонунларга боғлиқ. Уларнинг самарали ишлаши миллий онгининг даражаси, шунингдек, минг йиллар давомида шаклланган маънавий қадриятлари ўзида акс эттириши билан ҳам белгиланади.

– ким бўлишдан қатъи назар шахс ҳуқуқларининг устуворлигига асосланиш, миллий озчиликнинг ҳуқуқларини камситмаслик; – миллатлараро зиддиятларни амалий тарзда ҳал қиладиган усулларга асосланиш;



– фуқароларнинг ишга, ўқишга жойлаштиришда, касб танлашида, давлат хизматида қирришда қайси миллатга мансублигининг аҳамияти йўқ; – кам сонли миллатларнинг жам бўлиб яшайдиган жойларида ўз тилларида мақтабда ўқиш ташкил қилинган; – оммавий ахборот воситалари ўз саноати, қўлқўриқлари ва эшиттиришлари билан бир неча тилларда олиб боришга;

ларнинг яқинлашиб боришига, ягона кўпмиллатли ижтимоий бирлиكنинг шаклланишига ва «Ўзбекистон умумий уйимиз» гоёсини қарор топтиришга хизмат қилаётти. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистонда яшаётган халқлар ўзлигини йўқотмаган ҳолда, умумий руҳиятга, ҳулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий руҳий негизни вужудга келтирди».

Суд-ҳуқуқ тизимини инсонпарварлик принципларига мослаш борасида ислохотларни амалга оширишнинг барча чоралари қўрилди. Жиноят қонунчилигини либераллаштириш натижасида оғир жиноят турларининг 75 фоизи ижтимоий ҳаётга қатъий бўлмаган ва унча қатъий бўлмаган тоифасига ўтказилди. Озодликдан маҳрум қилинмайдиган жиноят тоифаларининг қўламини анча кенгайтирилди. Яраштирув институти жорий қилинди. 2008 йилдан бошлаб ўлим жазоси умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилди ва ҳоказо.

«Сихат-саломатлик йили», 2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили», 2008 йил «Ёшлар йили», 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», 2010 йил «Баркамол авлод йили» деб номланди.

Масаланинг моҳияти йилнинг қандай номида қилинган эмас, балки аниқ муаммоларни комплекс тарзда ҳал қилишда. Хар бир йил бўйича аниқ давлат дастурлари тузилади ва уни бажариш учун маблағ ажратилади. Жумладан, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш учун бюджет ва бошқа манбаалар ҳисобидан 8 триллион сўм атрофида маблағлар ажратилиши инсонпарварликнинг ёрқин намунаси, республика раҳбариятининг, Ватанимизнинг буюк келажagini таъминлаш борасидаги ғамхўрлиги деб қаюқ қилмоғи лозим.

Шу ўринда яна бир фикрни илгари суриш мақсадага мувофиқ, Конституцияда маънавий қадриятларнинг акс эттирилиши улғу мақсадларни амалга ошириш билан боғлиқ. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «...Инсоният тарихи маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрати манбаи эканини, бу ҳаёда маънавиятсиз ҳеч қачон одамлилик ва меҳр-оқибат, бахт-саодат бўлмастлигини аққол тасдиқлайди».

Шундай экан, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқалланиб келган қадриятларни сақлаб қолишимиз, эъзозлашимиз хар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлиши кераклигини ҳеч ким инкор этмайди. Бу гоё Конституциянинг 49-моддасида: «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасида» деган тарзда ўз аксини топган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий-маънавий қадриятлар руҳи билан суғорилган. Шу билан бирга, у сингалан умминсоний қадриятларни ўзида муҷассам этган, ривожланган демократик давлатларнинг таърихи борасида асосланган. Конституцияда миллий ва умумбашари қадриятларнинг уйғунлашуви Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишга, юртимизнинг буюк келажagini таъминлашга самарали хизмат қилмоқда.

Эркин АРИФЖАНОВ, ИИВ Академияси кафедраси бошлиғи, доцент.

– ким бўлишдан қатъи назар шахс ҳуқуқларининг устуворлигига асосланиш, миллий озчиликнинг ҳуқуқларини камситмаслик; – миллатлараро зиддиятларни амалий тарзда ҳал қиладиган усулларга асосланиш;

– фуқароларнинг ишга, ўқишга жойлаштиришда, касб танлашида, давлат хизматида қирришда қайси миллатга мансублигининг аҳамияти йўқ; – кам сонли миллатларнинг жам бўлиб яшайдиган жойларида ўз тилларида мақтабда ўқиш ташкил қилинган; – оммавий ахборот воситалари ўз саноати, қўлқўриқлари ва эшиттиришлари билан бир неча тилларда олиб боришга;

– республикада 130 та миллий-маданий марказ фаолият қўриб келаёпти. Улар турли миллат вакиллариининг миллий, маданий, маънавий эътиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этаяпти; – республикада 16 та диний конфессия фаолият қўриб келаёпти.

Конституция қондалари республикада тула амалга оширилганлигини қўлайдаги мисолларда ҳам қўриш мумкин.



– республикада 130 та миллий-маданий марказ фаолият қўриб келаёпти. Улар турли миллат вакиллариининг миллий, маданий, маънавий эътиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этаяпти; – республикада 16 та диний конфессия фаолият қўриб келаёпти.

– фуқароларнинг ишга, ўқишга жойлаштиришда, касб танлашида, давлат хизматида қирришда қайси миллатга мансублигининг аҳамияти йўқ; – кам сонли миллатларнинг жам бўлиб яшайдиган жойларида ўз тилларида мақтабда ўқиш ташкил қилинган; – оммавий ахборот воситалари ўз саноати, қўлқўриқлари ва эшиттиришлари билан бир неча тилларда олиб боришга;

– республикада 130 та миллий-маданий марказ фаолият қўриб келаёпти. Улар турли миллат вакиллариининг миллий, маданий, маънавий эътиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этаяпти; – республикада 16 та диний конфессия фаолият қўриб келаёпти.

– республикада 130 та миллий-маданий марказ фаолият қўриб келаёпти. Улар турли миллат вакиллариининг миллий, маданий, маънавий эътиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этаяпти; – республикада 16 та диний конфессия фаолият қўриб келаёпти.

– республикада 130 та миллий-маданий марказ фаолият қўриб келаёпти. Улар турли миллат вакиллариининг миллий, маданий, маънавий эътиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этаяпти; – республикада 16 та диний конфессия фаолият қўриб келаёпти.

